

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат
Архитектура - Курилиш Институтини

“Курилишни бошқариш” факультетини
“Касбий таълим” кафедрасини



Диплом лойиҳасининг ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**Мавзу: Хива меъморий ёдгорликларини ўрганиш
ва уларни ўқитиш услуги.**

Кафедра мудири: доц. Рахимов А.Қ.
Раҳбар: доц. Султонова Д.Н.
Маслаҳатчи: Ўқт. Меликулов А.Н
Битирувчи: 401- КТ(с) гуруҳи
талабаси Ибрагимова Шахноза.

Самарқанд 2013 йил.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Қурилишни бошқариш» факультети
« Касбий таълим » кафедраси

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Диплом лойихасининг мавзуси

Янва мезморий ёдгорликларини
ўрганиш ва уларни ўқитиш усули.

Диплом лойихасини

бажарувчи толиб (а) Ибраҳимова Шахноза
(Ф.И.Ш.)

Кафедра мудири доц. Раҳимов А. Ҳ.
(Ф.И.Ш.)

Раҳбар доц. Султонова Д. Н.
(Ф.И.Ш.)

Маслаҳатчилар ўқит. Меникулов А. Н.
(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

(Имзо)

(Имзо)

(Имзо)

(Имзо)

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура
Қурилиш Институтини

«Қурилишни бошқариш» факултети

«Қасбий таълим» кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН
ТОПШИРИҚ

Ибраҳимова Шахзода

401-КТ(с)

(талабанинг фамилияси, исми, шарифи)

I. Диплом лойиҳасининг мавзуси Хива мевзорий ёдгор-
ликларини ўрганиш ва уларни ўқитиш услуби.

Институт буйича 2022 йил «29» 12. 246 8- сон буйруқ асосида тасдиқланган.

II. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар Тўплаган
маълумотлар ташланган келтирилганда.
(Хива мевзорий ёдгорликлари ҳақидаги тўлиқ
маълумот).

III. Тушунтириш хатида келтириладиган:

1. Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, уларнинг таҳлили ва асослаш Тўплаган маълумотлар таҳлил қилиниб, мавзу
асосидаги ва қўшимча иш режаси тузилади.
2. Диплом лойиҳасининг назарий шакли ишланмалари Хива мевзорий
ёдгорликларини ўрганиш назариясини шўбага.
3. Диплом лойиҳасининг амалий шакли бўйича эскизлар бажариш Мавзуга
оид мевзорий ёдгорликлар тасвирланган фотосуратлар
ташланган келтирилганда.
4. Ўқув услубий қисми Мавзу бўйича дарс бериш режасини тузиб,
4-соатлик дарснинг мевзорий ҳужжатларини ишлаб чиқиш
ва замонавий ўқитиш технологияларини қўллаб дарс
ўқиш услубини яратиш.
5. Диплом лойиҳаси бўйича хулоса қисми Диплом ишнинг бажариш
жараёнида талабанинг қўшимча иш бўйича шахсий
хулосаси келтирилганда.
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати Диплом ишнинг бажариш
жараёнида қўлланган адабиётлар ва мевзорий
ҳужжатлар рўйхати келтирилганда.

IV. Диплом лойиҳасининг таркиби ва график қисми:

1. Таба мавзориёй ёдгорликлари.
(компьютерда слайд кўринишида).
2. Дарс режаси ва 160-минутлик
дарс тақсими.
3. Дарсинг технологик жараёни.
„Амалий - экскурсия“ дарс ўтати
усуби.
4. _____

V. Диплом лойиҳасининг қисмлари бўйича маслаҳатчилар:

№	Диплом иши қисмлари	Бошланиши	Тугалланиши	Маслаҳатчилар	Изох
1.	Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, уларнинг таҳлили ва асослаш.	1.03.13	25.03.13	Султонова Д.	
2.	Диплом иши назарий шаклининг ишланмалари.	26.03.13	12.04.13	Султонова Д.	
3.	Диплом ишининг амалий шакли бўйича эскизлар бажариш.	13.04.13	10.05.13	Маммурад А.	
4.	Ўқув услубий қисми.	11.05.13	15.06.13	Рахмонов А.Б.	

Изох:

1. Диплом лойиҳаси «Низом» га асосан бажарилади.
2. Хар бир топшириқда кўрсатилган муддат охирида рахбар ёки маслаҳатчи томонидан имзолангандан кейин навбатдаги қисмини бажаришга кафедра томонидан рухсат берилди.

VI. Топшириқ берилган сана 1.03.13

VII. Тугалланган диплом лойиҳасини топшириш санаси 15.06.13

Диплом лойиҳаси раҳбари доц. Султонова Д. Н.
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди Ибраҳимова Ш.
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Кафедра мудири доц. Рахмонов А. Б.
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

МУНДАРИЖА:

I. КИРИШ.....	1-2
II. Мавзуни асослаш.....	3-5
III. Хива меъморий ёдгорликлари хақида маълумот.....	6-8
IV. Мавзуга оид фотосуратлар.....	9-46
V. Атроф мухит муҳофазаси қисми.....	47-53
VI. Ўқув услубий қисм.....	54-67
VII. Хулоса.....	68-69
VIII. Адабиётлар.....	70-71

I. КИРИШ

КИРИШ

ИЛМДАН БИР ШУЪЛА ДИЛАТ ПУШТАНОН,

ШУНДАН БИЛУРСАНКИМ ИЛМ БЕПОЁН.

Таълим – билим бериш , малака ва кўникма , хосил қилиш жараёни , кишини ҳаётга меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси . Таълим жараёнида билим ўзлаштирилади ва тарбия амалга оширилади .

Призидентимиз И. А. Каримов ўзининг «Буюк келажагимизнинг ҳукуқий кафолати » рисоласида шундай деб таъкидлайди : «Тарбиячи устоз бўлиши учун бошқаларнинг ақл –идрокини ўстириш , маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш , ҳақиқий ватанпар, ҳақиқий фукаро этиб етиштириш учун, аввало тарбиячиларнинг ўзи ана шундай фазилатлар эгаси бўлишини тақозо этади . Шунинг учун ҳам ўқитувчи олдига қўйилган вазифалар ўта мураккаб , масулиятли ва айни пайтда шарафлидир.

Ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Республикамиз , халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби таълим соҳасида ҳам илғор технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилмоқда .

II. МАВЗУНИ АСОСЛАШ

МАВЗУНИ АСОСЛАШ.

Ҳар бир халқнинг тарихи унинг ўтмиши ҳақидаги хотирасидир .

Хотира ёрқинлиги , маҳзунли , шарафли уни ўзлаштиришнинг иложи йукдир .

Ҳар бир халқ ўз тарихини борича , ҳеч бир бегона бўёқларсиз , ошиқча шарҳларсиз бўлиши керак . Агар ўтмишда буюк боболари , бетакрор меъморий обидалари , ёрқин воқеалари бўлган бўлса, янги авлодлар улар билан фахрланиши, ибрат олиши керак .

Агар тарихида номус қиларли , авлодларининг юзини ерга қаратадиган воқеалар бўлса , келажак авлод уларни такрорламаслиги керак .

Бошқача қилиб айтганда , тарих бизнинг ўтмиш ва келажак олдидаги ҳолатимизни кўрсатадиган ойнадир .

Афсуски , собиқ иттифоқ ўтмишига ноҳолислик , бир ёқлама ёндашиш , уни яхши -ёмонга , оқ –қорага ажратиш коидага айланган эди.

Халқимизнинг тарихини қайси даврини қандай ўрганиш , собиқ марказдан келган гоҳ очик , гоҳ ёпиқ буйруқлар асосида амалга оширилди . Собиқ Совет даврининг «ёрқин кунларини» янада бўрттириб кўрсатиш учун ўтмишни зўр бериб қораладик .

Ўтмишимизда бирор эзгулик йуқ эди «биз инкилобга қадар саводсиз маданиятсиз ва қоқ эдик» дея жар солдик .Бу пайтда эса тарихимиз жимгина, соқов бўлиб , Турон тупроғида аждодларимиз яратган Бақтрия , Суғд , Хоразм, Турк ва Араб илмларида яратган битикларимиз , ётаверди .

Самарқанд , Бухоро , Термиз , Шаҳрисабз ва Хива каби кўхна шаҳарларимиздаги бетакрор , осмонўпар обидаларни барпо қилишда аждодларимиз энг мураккаб меъморий ўлчамларни ишлатганликларини билиб ҳам биз ўтмишда саводсиз эдик дея қуллуқ қилиб туравердик . Улуғ аждодларимизнинг қабрларини оёқ ости қилдик , ноёб осори – атиқаларимизни талон – тарож қилишларига йўл қўйдик . Натижада бобокалонларимизни қоралайдиган , ноёб меъморий осори –атиқаларимиз тақдирига бефарқ қарайдиган бўлиб қолдик . Лекин куёшни бирор нарса билан тўсиб бўлмаганидек ватанимиз тарихи ва маданиятини ҳам барча зиёлилардан яшириб бўлмасди .

Хайриятки , мустақиллигимиз туфайли ўтмишимизга бўлган ноҳолис муносабат ўзгарди , халқимиз ўз ўтмишини англаш сари қадам қўйди ва бугуни, ҳамда эртасини ўз қўлига олди .

Ана шу тамойиллар асносида , мен тўртинчи босқич талабаси диплом ишимни бажариш учун раҳбарим билан маслаҳатлашган ҳолда , айнан шу мавзунини танладим. Ўзим Хоразм фарзанди бўлганим учун , ушбу юртнинг бетакрор меъморий обидаларини ўрганишга бел боғладим . Хоразм асори – атиқалари орасида Хива шаҳри ўзининг жозибаси билан асосий ўринни эгаллайди . Юқорида таъкидлаб ўтилгандек , тарихимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш биз ёшларнинг аجدодлар олдидаги бурчимиз десам , ҳеч ҳам хато қилмаган бўламан .

III. Хива меъморий ёдгорликлари хақида маълумот

Хива меъморий ёдгорликлари хақида маълумот.

Хива қадимий қудуқ – «Хей-вак» номи билан боғлиқ. Бази олимлар мазкур қудуқнинг номи «хей-вак» , яни мамнуният китоби деб ҳисобласалар , яни базилари хайва ёки хавак холи , қуруқ сўзларидан олинган деб ҳисоблайдилар .

Қадим замонларда Хива орқали Шарқ билан Ғарбни боғловчи савдо йўли ўтган . 4-аср бошларида Хива Хоразм билан бирга сосонийлар давлати таркибига кирган бўлиб , мустаҳкам девор билан ўралган эди .

Араб сайёҳлари Истарихий ва Муқаддасий қулёзмаларида келтирилишича, Хива 10-асрда Хоразмнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган . Хиванинг мукаммал архитектураси кифоаси , асосан , 18-аср охиридан 20 асрнинг бошларигача шаклланган . Архитектура ансамблининг яхлитлиги жиҳатидан бу шаҳар Ўрта Осиёда ноёб ҳисобланади . Дастлаб ҳукумрон доиралар маскани бўлган Ичан қалъа вужудга келган .

Ичан қалъа (ички қалъа) шаҳарнинг Дишан қалъа (ташки қалъа) қисмидан қунгурадор девор билан ажратилган баланд қургонтепага ўхшаб кўринади . Ичан қалъа тўрт дарвоза (Боғча дарвоза , Полвон дарвоза , Тош дарвоза , Ота дарвоза) дан кирилган. Хоразм халқ меъморчилигининг ажойиб обидалари : мадраса , масжид , сарой ва миноралар асосан Ичан қалъада.

Ичан қалъадаги архитектура ёдгорликларининг яратилиш тарихи, асосан, уч даврга таълуқли : биринчиси; Хоразмнинг 1220 йилдаги муғуллар истилосидан кейин тикланиш даври . Бу даврда Сайд Аловуддин мақбараси ва бошқа монументал бинолар қурилди.

Иккинчи даври 16-17 асрларга туғри келади. Асфандиёрхон (1623-43) ва Абдулазизхон (1643-63) ҳукумронлиги даврида Анушахон ҳаммоми (1657) пешайвонли Оқ масжид (1657) Хўжамбердибек мадрасаси (1688) кабилар бунёд этилди , кўхна арк истехкомлари мустаҳкамланди , кўринишхона – хоннинг қабўлхонаси қурилди (1686-1688).

Учинчи даври 18-20 асрларни ўз ичига олади . Бу даврда Ўрта Осиё маҳаллий меъморчилиги анъаналари асосида масжид , мадраса , тим ва тақилар қурилди.

Ота дарвозадан Полвон дарвозагача катта йўл ўтказилди 18 асрнинг охирида Жума масжиди қайта қурилди ва унинг ёнида баланд минора қад кўтарди . Ичан қалъанинг ҳароба деворлари тикланди , бир қанча иморатлар таъмир килинди . 1804-12 йилларда икки қаватли Қутлуг Мурод Иноқ мадрасасига қаратиб тим ва тақилар қурилди Муҳаммад Раҳимхон (1806-25) Оллоқулихон (1825-42) Муҳаммад Аминхон (1845-55) ҳукумронлиги даврида Ичан қалъада қурилиш янада ҳам авж олди , мухташам сарой , мадраса , мақбаралар барпо этилди , шулар билан бирга Кўҳна аркдаги сарой қурилиши тугалланди янги ва катта Тош ҳовли саройи қурилди Полвон дарвозага яқин қургон деворининг бир қисми бўзилиб ўрнига Оллоқулихон қарвон саройи, мадрасаси ва тими қурилди , халқ ижодининг ажойиб намунаси-Паҳлавон Маҳмуд мақбараси қад кўтарди . Араб Муҳаммадхон ва Мусо Тўра мадрасалари ҳам шу даврда яратилди . Муҳаммад Аминхон Ичан қалъанинг ғарбий қисмига Кўҳна арк ёнига Калта минор номлари билан машҳур бўлган минора қурилди . Бу минора гарчи битказилмай қолган бўлсада, Ичан қалъа композициясида катта ўрин тутади .

Ичан қалъа қурилишида Хива меъморлари Ўрта Осиёда қадимдан қўлланиб келган усул-иншоотларни рўпарама-рўпара қуриш услубидан фойдаланишган . Масалан , Оллоқулихон мадрасаси билан Қутлуг Мурод Иноқ мадрасаси, Шерозихон мадрасаси билан Паҳлавон Маҳмуд мақбараси шу услубда қурилган .

Ичан қалъа архитектурасининг яна бир ўзига хос хусусияти – биноларнинг алоҳида ансамбль ҳолда қурилганлиги . Масалан Жума масжид ёнидаги иккита кичик мадраса Муҳаммад Амин Иноқ ва Матпанабой минораси ҳамда Матниёз Девонбеги мадрасаси анча йирик ансамблдир . Полвон дарвоза олдидаги бир неча масжид ва мадрасалар , ҳаммом , токи , қарвон сарой ва хон саройи ўзига хос йирик ансамблни ташкил этади . Қутлуг Мурод Иноқ билан Оллоқулихон мадрасаси , Тош ҳовли билан Оқ масжид ўртасидаги майдонча шу ансамблнинг композицион марказидир .

Шаҳардаги турар жойларнинг асосий қисми бир қаватли чўпкорли уйлар бўлиб , улар иссиқ иқлимга мослашган ўзига хос услубда қурилган .

Хива уйлариининг шимолга қаратиб жойлаштирилган баланд айвонлари айниқса кўркем ва кишини ўзига жалб қиладиган меъморий шакллар касб этади.

IV. МАВЗУГА ОИД ФОТОСУРАТЛАР



Қадимий “Хей-вак” қудуғи.



“Хей-вак” қудуғи ҳозирги кунларда.




Ичан қалъа плани.



Хива девори.



Хива девори.




Хива девори.



Ичан қалъа.



Ичан қалъа.



Ичан қалъа.



Ичан қалъа.



Хиванинг юқоридан кўриниши.



Хиванинг юқоридан кўриниши.



Боғча дарвоза.




Полвон дарвоза.



Тош дарвоза.



Ота дарвоза.



Оқ масжид.



Кўҳна арк.



Жума масжиди.



Тош ҳовли саройи.



Калта минор.



Калта минор.



Калта минор.



Оллоқулихон мадрасаси.



Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасаси.



Шерғозихон мадрасаси.



Пахлавон Махмуд мадрасаси.



Муҳаммад Амин Иноқ мадрасаси.



Хива уйлари.



Хива уйлари.



Ичан қалъадаги карвонсарой



Ичан қалъадаги карвонсарой

**XIVA
HUNARMANDCHILIKNI
RIVOJLANTIRISH
MARKAZI**









Xiva shahri Dishan qal'a hududida mavjud bo'lgan tarixiy yodgorliklarni elektromobil transportida tomosha qilish sxemasi



V.АТРОФ МУХИТ

МУҲОФАЗАСИ

ҚИСМИ

Атроф мухит муҳофазаси қисми.

Ҳозирги кунга келиб , бутун дунёдаги экологик ҳолат кўпчиликини бирдек безовта қилмоқда . Экологик ҳалокат кўз ўнгимизда даҳшатли тус олмоқда . Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва мавжуд табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари долзарблигича қолмоқда . Ҳозирги экологик инқирознинг сабабчиси ва ўз ақли заковати билан шу инқироздан холи этувчиси ҳам , инсон эканлиги маълум бўлиб қолди. Атроф мухитни ифлосланишдан сақлаш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш кўп жиҳатдан инсонлар қайси жамиятда яшашларидан қатъи назар инсонларнинг экологик саводхонлик даражасига ва экологик маданиятига боғлиқ. Мустақил республикамиздаги экологик муаммоларни ҳал қилиш учун аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш энг устувор вазифалардан ҳисобланади .

Табиат дейилганда биз ўзимизни ўраб тўрган ҳаво, сув, тупроқ, тоғ жинслари, ўсимлик ва ҳайвонлардан иборат мураккаб моддий борлиқни кўз ўнгимизга келтирамиз . У инсоннинг барча моддий ва маънавий эҳтижларини қондирувчи ягона манба ҳисобланади .

Бу жиҳатдан уни онага қиёслаб , бежизга «Она табиат» деб ардоқланмайди . Ҳозирги инсон ақл заковати туфайли ердан бир неча миллиард ёруғлик йилига тенг келадиган ўзоқликларни «кўраётган» бўлса ҳам , бизга маълум бўлган оламда бирортаям ер сайёрасининг табиатига ўхшаш табиат ва ҳаёт шакли мавжудлиги аниқланмаган . Ер табиати ягоналигини яққолроқ тасаввур қилиш осон бўлиши учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз.

Ҳозирги илмий маълумотларга қараганда биз билган олам бир-биридан бир неча ёруғлик йилига тенг масофаларда жойлашган бир неча галактикалардан ташкил топган . Бу галактикаларнинг ҳар бири неча – неча миллиард юлдўзлардан ва бошқа фазовий унсурлардан иборат улкан тўзилмалардир . Жумладан бизнинг қуёшимиз жойлашган «Сомон йўли» галактикасида 150 миллиарддан зиёд турли ўлчамлардаги юлдўзлар бўлиб қуёш ундаги ўртача катталиқдаги юлдўзлардан бири ҳисобланади холос , қуёш атрофидаги 9та сайёра ва бошқа фазовий жисмлар билан биргаликда Қуёш системасини ташкил этади. Бу системанинг диаметри 12 миллиард километрга

тенг бўлиб , умумий массасининг 98-99 фоизи қуёшда жамланган. Бизнинг ер эса мана шу системанинг ўртача катталикидаги битта сайёрасидир.

Табиатнинг инсон ва жамият учун аҳамияти жуда катта ва турли - тумандир. Уни инсон эҳтиёжини қондириш жиҳатларига қараб , иқтисодий, илимий, соғломлаштириш , тарбиявий ва эстетик каби аҳамиятларни фарклаш мумкин.

Иқтисодий аҳамияти дейилганда ундаги русурслардан (ҳаво , тупроқ, минераллар , ўсимлик ва ҳайвонлар) турли ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий моддий манба сифатида фойдаланиш тушунилади . Маълумки , инсон ва жамият эҳтиёжларини қондирувчи барча маҳсулот ва хомашёлар табиий манбалар ҳисобига яратилади.

Илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, инсоннинг барча билимлари негизида табиат ва ундаги турли жараёнларни кўзатиш, ўрганиш , таҳлил этиш ва амалий хулосалар қилиш ётади.

Соғломлаштириш аҳамияти дейилган соф табиий унсурларнинг ва шифо берувчи табиий модда ва жараёнларнинг инсон саломатлигига ижобий таъсири тушунилади. Бундан қарийб минг йил аввал яшаб ўтган буюк ўтмишдошимиз тушунилади яъни Абу Али ибн Сино «Одамлар саломатлиги ташқи шароит билан чамбарчас боғланган» деганда табиатни айнан шу хусусиятини назарда тутган бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Тарбиявий аҳамияти дейилганда соф ҳақиқий табиатни кишиларда олийжаноблик, хушфеллик, бағрикенглик, ватанпарварлик, улуғворлик, мулойимлик каби ахлоқий ҳислатларни уйғотиш ва шакллантириш хусусиятлари тушунилади. Табиат қуйнида ёки тез-тез у билан бирга бўлиш инсонларнинг ёшидан катъий назар уларда инсоний фазилатларнинг камол топишига ёрдам беради.

Жамиятда кўзатиладиган рухий қашшоқлик, лоқайдлик, кўполлик , жаҳлдорлик, раҳм-шавқатлизлик, вахшийлик каби иллатларнинг авж олиш сабабларидан бири ҳам кишиларни сунъий муҳитга тушиб, табиатдан ажралиб қолганликларидандир.

Табиатнинг эстетик аҳамияти беқиёсдир. Инсондаги барча гўзаллик мукам-маллик, мусиқа , тасвирий санъат куй наво хислари ва уларга бўлган эҳтиёжлари-нинг негизида.

Табиатдаги ям-яшил водийлар, зилол сувли бўлоқ ва сойлар, пурвиқор тоғлар, бепоён кенгликлар ранг-баранг гуллар, хушавоз ва чиройли қушлар инсон учун фақат моддий неъматлар манбаигина эмас , битмас-туганмас ижод, гўзаллик , дид ва рухий қувват манбаларидир.

Кўриниб турибдики, инсон ҳам жисмонан, ҳам руҳан атроф табиий муҳит билан ўзвий боғлиқ экан. У тирик организм сифатида ўз мавжудлигини таъминлаш учун доимо табиат билан модда энергия ва ахборот алмашиб туришга мажбурдир. Бу деган сўз, инсон табиатни таркибий қисми сифатида у билан биргаликда , уни ичида мавжуд бўла олади демакдир.

Инсоннинг табиатга таъсири бошқа фаол бўлмаган мавжудотлар таъсирига нисбатан фаол ва ҳарактерли жиҳатдан тубдан фарқ қилади. Яни инсон онги туфайли табиатни ўз эҳтиёжи ва мақсадига мувофиқ тарзда ўзгартирилади ва мослаштириш имкониятига эга. Табиат билан бўладиган муносабатларда инсонга фаоллик ва бошқа тирик мавжудотлар орасида етакчилик қилиш ҳуқуқини берувчи омил инсон онги ижтимоий муҳитда, яъни жамиятда шаклланади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб инсонни иккита , яъни табиий ва ижтимоий муҳитларнинг маҳсули бўлган биоижтимоий мавжудот деб аташ мумкин. Инсонда ҳам моддий ва рухий моҳият мужассамлашгандир. У тирик мавжудот сифатида табиат , маҳсули , онги туфайли эса ижтимоий муҳит маҳсули ҳисобланади. Ўзларининг биологик хусусиятлари , ижтимоий мавқелари ва бошқа шароитларига кўра турлича онгга эга бўлган кишилар жамиятини ташкил этадилар . Бундан кўриниб турибдики , инсон табиат билан жамият ўртасидаги боғловчи қўпчилик вазифасини ўтайди. Бундан яна шундай хулоса ҳам келиб чиқадики , инсон табиатни ўзвий таркибий қисми бўлганлиги учун улар ташкил этган жамият ҳам табиатсиз мавжуд бўла олмайди . Бошқача қилиб айтганда , табиат, инсон ва жамият яхлит бир тизм сифатида фаолият кўрсатадилар ҳамда улар мазкур тизимнинг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланадилар . Мазкур ўринда шуни ҳам эсда тутиш зарурки , тизимнинг компонентларидани бири бўлиши жамият онг туфайли моддий борлиқнинг энг олий ривожланган шакли ҳисобланади .

У бир қатор ўзига хос ички ижтимоий қонуниятлар асосида ривожланади .

Мана шу конуниятларни тизимнинг бошқа компонентлари ривожига тусик бўлмаслиги экологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга . Маълумки , ҳар қандай тизимнинг барқарорлиги компонентларининг ўзаро муносиб равишда ривожланиши ва улар орасидаги муносабатлар мувозанатлашган ҳолатда бўлишини тақозо этади , акс холда тизим бўзилади ва асл хусусиятларини йўқотади.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

- Ер сайёраси ва ундаги табиат ҳамда ҳаёт шакли инсонга маълум бўлган оламда ягонадир.
- Табиат борлиқ инсон ва жамиятнинг ягона моддий негизидир.
- Табиат инсон ва жамиятни яхлит тизим деб қараб , уларни биргаликда ўрганиш зарур .
- Бу тизимнинг бирор-бир компонентидаги ўзгариш унинг бошқа компонентларидан адекват тарзидаги ижобий ёки салбий ўзгаришларнинг юз беришига олиб келади.

Мавжуд илмий манбаларга асосланиб , ер сайёраси ёшини 4,7 млрд йил деб айтиш мумкин . Мана шу ўтган ўзоқ геологик давр мобайнида ерда ўзига хос табиат шаклланган . Ер табиатининг эволюцион , спиралсимон тадрижий тараққиёти бир неча босқичларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос хусу-сиятларга эга. Табиатнинг шаклланиши , эволюцияси ва асосий хусусиятларини ўрганиш билан бир қатор табиий фанлар шуғулланади. Экология фан нуқтаи назаридан табиат компонентлари орасидаги ва улар ичидаги мувозанат қандай қарор топганлиги ҳамда уни жамиятнинг табиатга таъсири кучайиб бораётган ҳозирги пайтда қандай қилиб сақлаб туриш мумкинлиги асосий аҳамиятга эга.

Табиатни ташкил этувчи таркибий қисмлар ҳаво, сув , тоғ жинслари ,

ўсимлик ва ҳайвонотлар орасида ва табиатдаги турли модда ва энергия алмашинуви жараёнларида , ўзоқ геологик даврлар мобайнида ўзига хос барқарорлик ҳолати юзага келган . Табиатдаги мана шу барқарорлик табиий ёки экологик мувозанат деб аталади. Ернинг табиати ўзига хос кўрсаткич ва қонуниятларга эга бўлган турли ички ва ташқи таъсирларга маълум даражада бардош бера оладиган мураккаб функционал тизимдир. Бу тизимнинг ташкил этувчилари , яни табиатнинг таркибий қисмлари доимо ўзгариши ва ривожланишда бўлгани туфайли ундаги мувозанат ҳам динамик ҳолатда мавжуд бўла олади .

Табиатнинг нозиклиги, гарчи у улкан тўзилма бўлса ҳам , унга таъсир этишнинг осонлиги айнан ундаги манна шу мувозанат ҳолати туфайлидир . Чунки мувозанатдаги тизимни издан чиқариши учун унга кўп куч талаб этилмаслиги ҳаммага ўрта мактаб физикасидан аён. Табиий мувозанатнинг издан чиқиши табиатнинг бўзилиши демакдир , унинг издан чиқиши эса, куп ҳолларда инсоннинг табиатга куркура , ўзокни кўзломмай, табиат қонунларини менсимай тазйик кўрсатиши сабаб бўлади. Инсон ўзининг бирор-бир эҳтиёжини қондириш мақсадида табиатдан фойдаланади ва шу жараёнда унинг бирорта ёки бир неча компонентини ўзгартиради ,купинча бу таъсир жараёни компонентлараро ёки улар ичидаги мувозанат ҳолатини бўзади.

Демак, табиат — инсон — жамият ўзига хос ички қонуниятлар асосида шаклланган тизим бўлиб , бу тизим ҳам мувозанат ҳолатдагина энг барқарор бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда табиий тизимдаги мувозанатнинг барқарорлиги табиат билан жамият уртасидаги муносабатларни қай даражада мутаносиблашганлиги ва ўзаро келишилган тарзда ҳал этилиши билан белгиланади.

Демак , қисқача қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин .

- Табиатни ташкил этувчи барча таркибий қисмлар ва ундаги жараёнлар ўзаро ва ички динамик мувозанат ҳолатдагина барқарор мавжуд бўла оладилар;
- Бу мувозанат ўзоқ геологик жараёнлар таъсирида қарор топган;

- Табиатнинг нозиклиги ва унга таъсир этишнинг осонлиги айнан шу мувозанат туфайлидир;
- Мувозанатнинг издан чиқарилиши ўзоқ даврлар мобайнида шаклланган табиатни бўзиш демакдир;

Табиатга инсонларнинг турли ишлаб чиқариш фаолиятлари натижасида ўтказадиган таъсирлари антропоген таъсирлар дейилади. Инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти жамиятда кечади. Шундан келиб чиқиб , табиатга антропоген таъсирни жамиятнинг табиатга таъсири сифатида тушуниш мумкин. Жамият томонидан табиатга ўтказиладиган ўзаро таъсирлар характери ва кўламига қараб турли муаллифлар уни бир неча босқичларга ажратадилар.

VI. УҚУВ УСЛУБИЙ ҚИСМ

Педагог кандай бўлиши керак.

Педагогика ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фандир. Кишилик жамияти пайдо бўлиши билан, одамларнинг меҳнат фаоляти процесиди уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат малакалари пайдо бўлди ва улар ўзгариб, орта борди.

Уларда турли меҳнат қуролларини ишлата билиш кўникмалари ҳосил бўлди ва бу қуролларни такомиллаштириш қобилияти, нутқ ва тафаккур ўсиб борди. Кекса авлод меҳнат жараёнида орттирилган тажрибаси асосида, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам меҳнатда иштирок этишга ўргатиши керак эди ва шундай қилди. Демак, тарбия кишилик жамияти практик эҳтиёжининг объектив заруратидан келиб чиқди, шу жамият билан бирга ривожлана борди.

«Педагогика» термини грекча икки сўз-«пайс» яни бола ҳамда «эхйн» яъни бошлаб бориш бошқариш, тарбиялаш деган сўзлардан келиб чиқади. Тарихан шундай бўлиб чиқдики, педагогика асосан болаларни, ёш авлодни тарбиялаш ҳақидаги фан сифатида тараққий этди.

Педагог, яъни ўқитувчилик касби жуда ҳам мураккаб касблардан биридир. Ҳозирги замон ўқитувчиси зиммасига ёш авлодни жисмоний жиҳатдан бақувват, руҳан тетик, билимдон ватанпарвар қилиб тарбиялаш вазифаси юкланган. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг маълумотли, ўткир зеҳнли ва юксак маданиятли, киши бўлиши керак. Талабалар меҳрибон очик кўнгил, ўзини уларга яқин тутадиган ўқитувчини севадилар, унга тақлид қилишга, ҳар бир ишда унга эргашишга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчига хос хусусиятлардан яна бири, талабалар билан бир меёردа муносабатда бўлиш, лекин уларга нисбатан қатъий ва жиддий талабчан бўлла олишдир. Ўқитувчи талабалар билан яқиндан муносабатда бўлиш, уларга доимо ғамхўрлик қилиш билан бир вақтда, уларни эркалитиб ҳам юбормаслиги керак. Талабалар ўзлари билан ҳаддан ташқари қўпол муомилада бўлган ўқитувчидан бешиб-қоладилар. Бу эса талабаларнинг ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Демак ўқитувчи талабалар билан ҳар томонни ҳисобга олган ҳолда, бир меёردа муоилага қилиши керак.

Замонавий ўқитиш технологиялари

Касбий таълим деганда, талабаларнинг муаян типдаги ўқув юртида (лицей, коллеж, институт) ўқиш жараёнида эгаллаб олиш лозим бўлган ҳамда системага олинган, билим малака ва кўникмалар аниқ белгиланган доираси тушунилади. Энг муҳим фактлар, илмий тушунчалар, қонун ва назарияларнинг дунёқараш ғояларини, ахлокий ҳамда эстетик нормалар ва идеалларни, талабаларнинг кўрсатилган маълумотларни ўрганиши уларнинг илмий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш усуллари ҳақидаги материалларни шунингдек малака ва кўникмаларни, шу жумладан (олинган билимларни компьютер ва бошқалар)ни амалда қўллаш ва янги билимларни эгаллашдаги малака ҳамда кўникмаларни ўз ичига олди. Касбий таълимнинг мазмуни бир қатор факторларни ҳисобга олиш билан белгиланади, бу факторларнинг асосийлари қуйидагилардир.

А) Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг обектив эҳтиёжлари ҳамда фан ва техниканинг тараққиёт даражаси, ижтимоий тузумнинг характери, бунга давлатимизнинг ҳозирги пайтда олиб бораётган, касбий таълим назарияси ва маънавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чора тадбирлари ҳақидаги босқичма-босқич ислохотлари киради.

Б) Давлатнинг муаян типдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари. Бундай типдаги ўқув юртлари сирасига ўқиш муддати камида 3 йил бўлган академик лицейлар ва касбий коллежлар кириб, улар олдига «ижодий ва ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган, юқори умумий касбий маданиятни касб этган мутахассислар, янги баркамол авлодни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Бундай баркамол авлодни шакллантириш мақсадида. Вазирлар маҳкамаси 1998-йил 24-февралда қабул қилинган Академик лицейлар ва касбий коллежлар учун малакакали педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларини ҳам белгилаб беради. Бу ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган. Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика Университети, номланган Муҳандислик Педагогика Институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти бугунги кунда битирув малакавий мавзуларини

ҳимоя қилаётган «Самарканд Давлат АрхитектураҚурилиш Институти Касбий таълим» Йўналиши талабаларидир.

Бу эса давлатимизнинг ўқув юртлари олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлари бўлиб, Касбий таълим санъат йўналиши буйича битириб чиқаётган навбатдаги калдирғочлардир.

В) Ўқитиш принципларидан келиб чиқадиган ва талабаларнинг имкониятларини этиборга олувчи дидактик талаблар. Касбий таълимнинг мазмуни тарихий ҳарактерга эга. Кишилиқ жамияти тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлган. Бугунга келиб эса касбий таълимнинг дастлабки дастурида талабалар амалий – маънавий касб дарсларида эгаллаши лозим бўлган, илмий техникавий билимларнинг, меҳнат кўникмалари ва малакаларининг ҳажми ҳамда мазмуни белгилаб беради. Дастурда жамиятимиз тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида ёшларга касб таълим бериш ва уларни тарбиялаш соҳасида давлатимиз томонидан қўйилган мақсад ва вазифалар конкрет ўз ифодасини топади. Касбий таълим дастури ўқув режа асосида ишлаб-чиқарилади, ва бу Олий ва Ўрта махсус касб-хунар таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади. Касбий таълим ўқитувчиси ўзининг кундалиқ иш фаолятида бу дастурга амал қилиб, дастурда кўрсатилган мавзуларга маъруза матнлари ёзиб дарсга қиради. Бу дастурга амал қилиб, унинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Касбий таълим дастурини ишлаб чиқариш вақтида бир қанча талаблар ҳисобга олиниши лозим.

Дастурнинг мазмуни дидактик принципларга тўла тўқис жавоб бериши, мураккабликнинг ўсиб бориши ҳисобга олинган ҳолда касбий таълимнинг танланган дидактик системасига мувофиқ равишда муайян изчилликда баён қилиниши.(К Т қурилиши –К Т санъат) мисолида кўриш мумкин. Турмуш билан суверен ва демократик давлат тузиб, озод ва обод ватан қуриш билан боғлиқ бўлиши, меҳнат объектларининг тавсия қилинадиган рўйхати эса ижтимоий ишлаб чиқариш қийматиға эга бўлиши: табиий-илмий циклдаги умумий таълим фанлари (физика, математика,химия, чизмачилиқ, расм , ранг тасвир ва ҳоказолар) билан боғланишни амалга ошириши курсдан курсга ўтиш вақтида ўқув материали касбий таълим дастурларида мунтазам концентрик структураға мувофиқ равишда жой-

лаштирилади. Бунинг маъноси шуки талабаларга конструкторлик кўникмаларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган меҳнат жараёнларини мавзуларини ўрганиш ишларнинг технологик ҳариталарини режалаштириш ва ҳоказоларнинг бажарилиши мунтазам тартибда жойлаштирилади, яни ҳар бир кейинги мавзу олдинги мавзунинг давоми бўлади.

Махсус фан ўқитувчиси

Ибрагимова Ш.

4 соатга мўлжалланган

«Тасдиқлайман»

Ўқув ишлари бўйича

директор ўринбосари

Дарс режа матни

Сана:

Дарснинг тартиб сони: № 2 4соатга мўлжалланган

Дарснинг мавзуси: «Ранг тасвирда меъморий манзара жанри»

Дарснинг мақсади: Талабаларга манзара ишлаш кетма-кетлигини тушунтириш.

Таълимий:Ишлаб чиқариш таълими жараёнида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш.

Тарбиявий: Талабаларни касбий малакаларини шакллантиришда устоз шогирд анъаналарига амал қилишни ўргатиш.

Ривожлантирувчи: Талабаларга индивидуал усулда топширик бериб уларнинг ижодий қobiliятини ўстириш.

Дарснинг тури

Дарсда қўлланиладиган асосий усуллар:

Дарснинг жиҳозлари: Дарсга таълуқли бўлган асбоб ускуналар,
чизмалар ва иллюстрациялар.

Дарснинг мазмуни .

- 1. Ташкилий қисм: Саломлашиш, журналдаги рўйхат бўйича йуқлама қилиш.**
- 2. Ўтилган дарс мавзусини сўраб, мустақамлаш ва талабалар билимини баҳолаш.**

А) Рангтасвир тарихини биласизми?

Б) Рангтасвир сўзи нимани англатади?

В) Рангтасвирда манзара жанри ҳақида маълумот беринг?

3. Ўтилган мавзуга яқун ясаш.

4. Янги мавзу баёни.

5. Ўтилган мавзу юзасидан савол жавоб.

6. Уйга вазифа.


7. Дарсни яқунлаш.

Дарснинг бориши.

Режа:

- 1. Рангтасвирда манзара ишлаш кетма-кетлигида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш.**
- 2. Манзара ишлашда, график ишларни бажаришда устоз-шогирд анъаналари, устоз ва шогирднинг ўзаро мезонлари асосида иш юритиб бориш.**
- 3. Юқорида ўтилган дарс кетма-кетлиги жараёнида талабалар тафаккури ва касбга қизиқишини ошириб, ривожлантириш орқали мавзуга оид рангтасвир услубида манзара ишлаш.**
- 4. Бўлгуси манзара эскизини, олдиндан тайёрлаб олинган рамка юзига тушириш.**
- 5. Тайёр бўлган эскизни, гуашь ва эмульция аралашмасидан тайёрланган ранглар ёрдамида, муйқалам билан ранглаш.**

Дарснинг технологик жараёни
«Хива меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва рангтасвирда тасвирлаш» мавзусида Амалий-экскурсия дарс утиш технологияси.



Дарс ўтиш режаси. (80-минутлик дарс тақсимоти).

№	Дарс босқичи	Дидактик жиҳозлар.	Мавзу ва унга доир ҳаракат.	Усул .	Вақт (минт).
1	2	3	4	5	6
1.	Ташкилий қисм	Гуруҳ журнали	Саломлашиш, давлат.	Савол Жавоб	5
2.	Уй вазифасини текшириш ва баҳолиш.	Досак, Бажарилган иш, ўзгартириш варағи.	а) Бажарилган уй вазифаларини текшириш. б) Ўтган дарс мавзусини сўраб мустаҳкамлаш. в) Билимларни баҳолаш.	Назорат. Тақдимот ва мунозара. Жорий баҳолаш	20
3.	Объектга олиб бориш	Транспорт воситаси	Янги мавзунини ўтиш учун , объектга талабаларни олиб бориш.	Устоз шогирд	15
4.	Янги мавзу баёни	“Хива” йўриқномаси	Хива меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва рангтасвирда тасвирлаш.	Амалий экскурсия	5
5.	Мавзунини мустаҳкамлаш.	“Хива” йўриқномаси	Ўқитувчи талабалар билан бирга Хива меъморий обидалари билан танишиб чиқади.	Экскурсия	20
6.	Гуруҳларга бўлиш	Гуруҳ журнали	Танишувдан сўнг гуруҳ ўқитувчи томонидан 3- гуруҳга бўлинади.	Тартиб рақами асосида	5
7.	Тайёргарлик кўриш	Қоғоз, қалам, акварель, мўйқалам, планшет.	3 та гуруҳ Хива шаҳри меъморий обидаларининг 3 томонидан жойлашиб, рангтасвир ишлашга тайёргарлик кўришади.	Мустақил Иш.	10
8.	Вазифани бажариш	Рангтасвир асбоб ускуналари	Талабалар амалда рангтасвир ишлашади.	Мустақил Иш.	70
9.	Якуний Қисм.	Технологик харита	а) Бажарилган ишлар ўқитувчи томонидан баҳоланади. б) Якуний хулоса, уйга вазифа берилади.	Тақдимот, Маъруза. Мустақил ўқиш.	10

Тузувчи фан ўқитувчиси:

Ибрагимова Ш.

T/p	Бўлим ва мавзулар нинг номи	Машғулот тартиби рақами	Дарс ўтган кун	Дарсга ажратилган соат	Машғулот тип ва тури	Кўргазмалар Қуроллар ва техник воситалар	Мустақил иш тури Амалий лаборатория Тадқиқоти.				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Мутахассис- ликка кириш.	№1	2.04.13	2	Оғзаки Амалий	Рангтасвирга оид плакат ва слайдлар.	Рангтасвирга оид билим ва кўникма ларнинг ёзма баёни.	Рангта свир ишлаш да қуллан иладиган адаби- ётлар ни олиш	Рангтасв ирда иллюстр ация лари	Умум фанлар	
2	Кириш Рангтасвир асослари.	№2	14.04.13	2	Оғзаки	Тасвирий санъатга асосларини исботлаб берувчи плакатлар					
3	Рангтасвир турлари.	№3	20.04.13	2	Оғзаки	Рангтасвир турларига оид расмлар.	Рангтасвир турларини иш дастурига ёзиб бориш.			Тарих Адабиёт	
4	Рангтасвир- да мазмун ва шакл.	№4	26.04.13	2	Оғзаки	Рангтасвирда мазмун ва шаклга оид баённомалар ва расмлар.		Укиб келиш.	Г.Пугаче нко-ва	Тарих Адабиёт	
5	Рангтасвир жанрлари	№5	2.05.13	2	Оғзаки	Рангтасвир жанрларига оид расмлар.					
6	Рангтасвир санъати	№6	8.05.13	2	Оғзаки	Рангтасвир асарларидан Иллюстрация- лар.	Мустақил ўқиш		Укиб келиш.		
7	Рангтасвир санъатида манзара жанри.	№7	14.05.13	2	Оғзаки	Рангтасвирмуй каламларига оид плакатлар			Муйкала м лар билан танишиш	Расм	

8	Дарс ўтиш хонасида хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги	№8	20.05.13	2	Оғзаки ва амалий	Хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлигига оид плакатлар.	Плакатларни ўрганиш			Физика Химия	
9	Рангтасвир ишлашда ишлатилади ган мўйқаламларни сақлаш қоидалари.	№9	26.05.13	2	Оғзаки	Маълум усуллардан фойдаланиш.					
10	Рангтасвирда ишлатилади ган мўйбўёқ турлари	№10	1.06.13	2	Оғзаки	Мўйбўёқ турлари тасвирланган слайдлар	Энг сифатли мўйбўёқни танлаш.	Сифатли мўйқалам танлаш		Физика Химия	
11	Меморий манзара эскизларини қозғаш.	№11	7.06.13	4	Амалий	Иллюстрациялар	Эскизлар.			Химия	
12	Рангтасвирда манзара жанри ҳақида тушунча	№12	13.06.13	2	Оғзаки	Рангтасвирда плакатлар				Чизмачилик	
13	Рангтасвирда манзара қаламда сўнгра рангда керакли ўлчамда чизиб олиш.	№13	19.06.13	4	Амалий					Математика	
14	Меморий манзара ишлаш	№14	25.06.13	4	Амалий	Эскизлардан Фойдаланиш.	Рангтасвир композицияларини Қозғаш Тушириш.			Композиция	
15	Такдимот Жами			50							

Тўзувчи фан ўқитувчиси:

Ибрагимова Шахноза.

Самарқанд вилояти
Самарқанд шаҳар
Санъат коллежи
Рангтасвир
№ _____ гуруҳи
мураббийси

“Тасдиқлайман”
Коллеж маънавият
ва маърифат ишлари
бўйича директор
ўринбосари.

**Ибрагимова Шахнозанингнинг 2012-2013
ўқув йилида бажариладиган маънавий
ва маърифат ишлар режаси.**

№	Бажариладиган тадбирлар.	Бажариш Муддати	Изоҳ
1.	Август	25.08.12	Маънавий Ва маърифат бўйича директор ўринбосари.
	Дарс синфхонасининг давлат рамзлари: “Президент портрети, давлат герби, давлат байроғи, давлат гимни” ва президент асарлари билан жиҳозлаш.		
2.	Сентябр	1.09.12	Мураббий
	1-сентябр Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига бағишланган тадбирда қатнашиш.		
	Сентябр		
3.	Билим юртининг талаблари, билим юртининг ички қонун-қоидалари билан таништириш.	2.09.12	Директор Мураббий
4.	Октябр	Доимий	Мураббий
5.	Хива меъморий ёдгорликлари ҳақида суҳбат. Гуруҳ давомати ва ўқиш жараёнинг текшириб бориш.		

6.	Ноябр	Доимий	Тарих Ўқитувчиси.
	Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзий белгилари ҳақида талабаларга тўлиқ маълумот бериш.		
	Декабр		
7.	“8-декабр Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни” мавзусида талабаларга маъруза ўқиш.	7.11.12.	Мураббий Тарих Ўқитувчиси
8.	Январ	25.01.13.	Мураббий
	I-ярим йиллик якуни, гуруҳнинг умумий ва махсус фанлардан тўплаган жорий, оралиқ ва якуний назорат рейтинг балларини кўриб чиқиб, талабалар билан биргаликда таҳлил қилиш.		

Тўзувчи гуруҳ раҳбари:

ўқитувчи. Ибрагимова Шахноза.

VII.Хулоса

Хулоса:

Санъатшунос ўқувчи бўлиш орзусими, рассомликга бўлган қизиқишимми ёки мазкур олий даргоҳининг бутун республикага таралган донгими билмадим менинг шу билим юртига ҳужжат топширишимга туртки бўлган бўлса керак.

Лекин мен ҳеч ҳам афсус қилмайман. Чунки шу даргоҳга ўқишга кириб, туғри қилган эканман. Вақт орқага қайтиб, яна қайси даргоҳга ҳужжат топшириш масаласига дуч келсам, ҳеч ўйламасдан шу даргоҳ СамДАКИ ни танлаган бўлар эдим.

Кечагина биринчи курс талабаси эдим. Қаранг бугун битирувчиман. Турт-йил ҳам ўтиб кетибди. Аммо шу тўрт йил мен учун бесамар ўтмади. Турт йил ичида дўстлар орттирдим. Дўстларим билан энг ажойиб даврни бирга ўтказдим. Қанақа давр экан дерсиз, албатта бу менинг талабалик яни олтин даврларимдир. Билмаганларимни ўргандим, ёшлигимда етишиб бўлмайдиган деб тасаввур қилган санъат чўққиларини забт этдим. Албатта санъат салтанатига элтувчи йўлда устозларим йўлбошловчи бўлишди. Шу даражага етиб келишимда устозлар анча-мунча тер тукишмадими. Айниқса «Қасбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчиларининг меҳнатлари, ёрдамлари чексиз деб биладиман. Шу кафедрага бўлган ҳурмат-эҳтиромим белгиси сифатида, ватан олдидаги фарзандлик бурчи сабабли, ўз диплом ишимга айнан шу мавзунини танладим.

Насиб қилса, бу ишни аъло даражада бажариб, устозларимнинг менга синган меҳнатлари оқламоқчиман.

Ана шу мақсадни амалга оширишда, устозларимдан олган билим ва кўникмаларим кўл келади деб ўйлайман.

Адабиётлар

Адабиётлар:

1. К.Олимов, О.Абдуқудусов, Л.Узоқова, М.Аҳмеджонов, Д.Жалилова «Касб таълими услубияти» Тошкент. «Иқтисод –молия» нашриёти 2006 йил.
2. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Тошкент.1997 йил.
3. С.С.Булатов «Санъат тарихи» Тошкент.
4. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Тошкент. «Ўзбекистон».1992 й.
5. Авлиёкулов Х.Т. «Замонавий ўқитиш технологиялари» Тошкент. 2001 й.
6. Авлиёкулов Х.Т. «Замонавий ўқитиш технологиялари» Тошкент. 2001й
7. Миллий истиқлол ғояси. Тошкент. 2000 йил «Ўзбекистон» нашриёти.
8. «Бадий безак санъати»Тошкент Усл.кўрсатма 2001йил
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
10. «Педагогика» Ўқитувчи нашриёти. Тошкент.1977йил.
11. Wikibet.net./v/ Xiva
12. Uzforum. uz. Viewtopik.php. % 3Ft. %
13. WWW. pochta.uz /.../469—l.-v.

